O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT MATBUOT QO'MITASI

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 5 октябрь № 207 (3482) Сешанба

Ҳамкорлик чуқурлашмоқда

Москвада Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг еттинчи мажлиси бўлиб ўтди. Уни Россия томонидан Саноат бўйича федерал агентлик раҳбари Борис Алёшин, Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари Ўткир Султонов бошқарди.

Мажлисда ёнилғи-энергетика мажмуаси, авиация саноати корхоналари, транспорт, сув хўжалиги, ҳарбий-техникавий ва илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

— Ҳукуматлараро комиссиянинг мазкур мажлиси амалий, ишчан ва самимий руҳда ўтди, — дейди "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Борис Алёшин. — Бугун икки томонлама ҳамкорлик кўплаб йўналишлар бўйича изчил ривож топмоқда. Менимча, "Газпром", "Лукойл", "Вимм Биль Дан. Озиқ-овқат маҳсулотлари", "Черкизовский" каби йирик компанияларнинг ўзбек бозорига кириб келгани эътиборга лойиқ воқеадир. Ҳукуматлараро комиссия мажлиси Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги турли соҳаларда, жумладан, ҳарбий-техникавий йўналишда катта имкониятларга эга эканини кўрсатди.

Мажлис якунида икки томонлама протокол имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий банки томонидан "Осиё Инвест Банк"ка сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш ва Ўзбекистондан Россияга экспортни рағбатлантириш учун 60 миллион доллар миқдорида кредит линиясини очиш тўғрисида, "Ўзбекнефтегаз" ва "Лукойл Оверсис Холдинг" компаниялари ўртасида ўзбек конларини ўзлаштиришда маҳсулот тақсимоти тўғрисида битимлар қабул қилинди. Бундан аввал икки мамлакат Марказий банклари ўртасида ҳам битим имзоланган эди.

Мажлис чоғида комиссия фаолиятини янада жонлантириш ҳақида киритилган таклиф ҳар икки томондан қўллаб-қувватланди. Хусусан, кейинги йилнинг баҳорида ҳукуматлараро комиссия ҳамраисларининг амалий учрашувини ўтказишга келишиб олинди.

"Жаҳон" АА.



Пахтаоболддаги "Маданият — Интернешнл" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бугунги кунда маҳаллий хомашёдан ўн хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар сирасига киради. Корхонада ишлаб чиқарилаётган махсус-кийим бош, каппалар ва болалар кийимлари нафақат ички, балки хориж бозорларини ҳам сифатли маҳсулотлар билан бойитмоқда.

Айни кунларда корхона тикувчилари АҚШнинг "Вонмарт" савдо марказининг буюртмасига асосан кийим-кечак тикмоқда ва пешма-беш буюртмачиларга жўнатилмоқда.

СУРАТДА: корхона чевари Ойдин Зокирова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

А. А. Азизхўжаевни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Алишер Аббосович Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 4 октябрь.

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА МОЛИЯВИЙ КЎМАГИ

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) бошқарувчилар кенгашининг Теҳронда бўлиб ўтган 29-йиллик мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банки билан инвестициявий ҳамкорлик дастури доирасида 52,6 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўртта лойиҳа бўйича молиявий шартнома имзоланди.

Бу Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига кичик бизнес лойиҳаларини молиялаш учун тақдим этилган 15 миллион АҚШ доллари, асфальт заводини модернизация қилиш ва йўллар қуриш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш ускуналарини сотиб олиш учун 12,5 миллион доллар, "Сирдарё" электр станциясидан "Сўғдиёна" кичик станциясигача электр узатиш тармоғи қурилиши учун 25 миллион доллар, инвестиция компаниясини ташкил этиш лойиҳасини тайёрлаш учун 143 минг АҚШ долларига тенг грантдан иборат кредит линиясидир.

Жорий йилнинг май ойида Ислом тараққиёт банки билан Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам марказининг вилоят бўлимларини ускуналар билан жиҳозлаш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун 23,8 миллион АҚШ долларига тенг молиявий битим имзоланган ва хусусий тармоқ лойиҳаларини ҳукумат кафолатисиз қўллаб-қувватлаш бўйича кредит линияси доирасида 27,6 миллион долларлик икки лойиҳани молиялаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Мамлакатимиз Ислом тараққиёт банкига аъзо бўлгандан буён ўтган бир йил ичида келишилган Ҳамкорлик дастурига мувофиқ умумий қиймати 104,4 миллион АҚШ долларига тенг саккизта лойиҳа молиялаш учун тасдиқланди. Бу эса Ўзбекистоннинг мазкур нуфузли халқаро молия институти билан алоқалари жадал ривожланаётганидан далолат беради.

Айни пайтда ИТБнинг имтиёзли молиялаш схемалари доирасида мактаблар, коллеж ва академик лицейлар қуриш ҳамда жиҳозлаш учун умумий қиймати 18 миллион АҚШ долларига тенг иккита лойиҳа тайёрланмоқда.

Ислом тараққиёт банки Тошкент шаҳрида иссиқликсув таъминоти тизимини модернизация қилиш лойиҳасини тайёрлаш бўйича техник ёрдам кўрсатиш учун грант ажратиш имкониятини кўриб чиқмоқда. Умуман 2005-2007 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банки билан Ҳамкорлик дастурига мувофиқ умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

(ЎзА).

ҲИНДИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Фазлиддин АРЗИЕВ).

Мамлакатимизга ташриф буюрган Ҳиндистон Республикаси давлат ташқи ишлар вазири Идаппакат Ахамед раҳбарлигидаги делегация аъзолари 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистон сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани таъкидланди. Томонлар истиқболда мазкур йўналишлардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид масалалар хусусида фикр алмашди.

Меҳмон Тошкент Ислом университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талаба ва профессор-ўқитувчилари билан учрашди.

2 октябрь куни Ҳиндистоннинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби Лаъл Баҳодир Шастри таваллудига 100 йил тўлди. Шу муносабат билан И.Ахамед пойтахтимиздаги ҳинд тилига ихтисослашган Шастри номидаги 24-мактабда бўлиб, мазкур таълим маскани жамоасига Ҳиндистон ҳукуматининг ҳадяларини тақдим қилди.

Лаъл Баҳодир Шастри ҳайкали пойига гул қўйди.

Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари

ДЎСТЛИК КОНЦЕРТИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Н.УСМОНОВА).

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Ўзбекистон-Япония дўстлик концерти бўлиб ўтди. Концерт Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида Японияниг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Япония жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистонликлар 1996 йилдан буён Япония маданияти кунлари доирасида ушбу мамлакатнинг миллий мусиқа санъати билан танишиб келмоқда. Масалан, Япония ва Ўзбекистон санъат усталари ҳамкорликда "Юдзуру" ("Турна") операсини саҳналаштирди, "Кокоо" мусиқа гуруҳи ижросида замонавий япон мусиқаси, Токио давлат нафис санъат ва мусиқа университети гуруҳи ижросида анъанавий япон мусиқаси концертлари ва бошқа тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Бу каби тадбирлар дўстлик алоқаларини ривожлантириш, икки халқнинг маънавий дунёси билан яхшироқ танишишга ёрдам бериши таъкидланди.

Дўстлик концертида цугару-сямисен ва анъанавий сансин асбобида таниқли мусиқачилар Такахаси Тикудо ҳамда Ёнака Тору ижросида япон куйлари янгради. Шунингдек, "Сўғдиёна" чолғу асбоблари камер оркестри билан биргаликда ўзбек мусиқаси ижро этилди.

Тадбирда Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичиро Кусумото иштирок этди.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ҳам Ўзбекистон ва Япония санъат усталарининг дўстлик концерти ўтказилди.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида 30 сентябрь ва 1 октябрь кунлари бўлиб ўтган Бадиий гимнастика бўйича "Шарқ гўзали-2004" жаҳон кубоги босқичи том маънода нафосат ва гўзаллик байрамига айланди. Дунёнинг 12 мамлакатидан ташриф буюрган 29 нафар спортчи мусобақалар давомида ўзининг бор иқтидорини намойиш қилишга ҳаракат қилди.

Нафосат ва гўзаллик байрами

Нуфузли ҳакамлар гимнастикачиларнинг ҳар бир чиқишини баҳолашдаги учта асосий мезон — мураккаблик, артистизм ва ижро техникасига эътибор қаратишди.

Кўпчилик тахмин қилган спорт юлдузи Алина Кабаевага жаҳон кубогининг Олтин медали насиб этди. Унинг ноёб рақс элементлари, ритмик ҳаракатланиши, раққосалик лаёқати мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Қозоғистонлик Алия Юсупова мусобақанинг кумуш, яна бир россиялик спортчи Ольга Капранова эса бронза медалини қўлга киритди. Ҳамюртимиз Олеся Ашаева гарчи 5 ўрин билан кифояланган бўлса-да, у тўп билан машқларда иккинчи, булава билан эса учинчи ўринни банд этди.

Таниқли мураббий, Халқаро бадиий гимнастика федерацияси техник қўмита аъзоси Ирина Винер юртимиз спортчилари хусусида тўхталиб, жумладан, шундай деди: " Ўзбекистонда бадиий гимнастиканинг мустаҳкам пойдевори мавжуд. Бугунги жаҳон кубоги босқичида иштирок этаётган ёш спортчиларни кўриб, уларнинг порлоқ келажагига, яқин орада спорт юлдузлари бўлиб етишишига ишонаман".

Ўзбекистон бадиий гимнастика федерацияси президенти Л. Каримова "Шарқ гўзали-2004" жаҳон кубоги босқичи ёпилганини эълон қилгандан сўнг, турнир ғолиблари, турли вилоят вакилларидан ташкил топган ёш гимнастикачиларнинг кўргазмали чиқишлари ҳам кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди.

Бўлиб ўтган тантанада Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, С. Иномова иштирок этди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



СУРАТЛАРДА: турнир ёпилиши маросимидан лавҳалар.

Д. ЮСУПОВ, С. ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Уч туман ғалабаси

Қорақалпоғистонда яна уч туман — Қангликўл, Тахтакўпир ва Кегайли туманлари пахтакорлари йиллик шартномавий режаларини бажаришди. Айниқса, кегайлилик заршуносслар ялпи ҳосил — 9 минг тонна пахтани фақат юқори навларга топширди. Айни пайтда мазкур туманларда йиғим-терим ишлари давом этмоқда. Қангликўл ва тахтакўпирлик пахтакорлар мавсум охирига қадар яна 2 минг тонна, кегайлиликлар эса 4 минг тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилдилар.

Я. ҚЎЧҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ғолиблар «Интернет»га чиқади

АҚШ таълим ва маданият Давлат департаменти томонидан молиялаштирилаётган ва қўллаб-қувватланаётган АТР дастурининг Фарғонада фаолият кўрсатаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин вилоят ёшлари марказидаги бу очиқ "Интернет-кафе"нинг мухлислари тобора кўпайиб бормоқда.

Яқинда клуб аъзолари иштирокида ижодий танлов ўтказилди. Танловда ғолиб чиққан Дилдора Давидбоева, Хурриятт Усмонова, Баҳодир Жумабоевларнинг асарлари клубнинг Интернетдаги махсус сайтига киритилиб, бутун дунёга намойиш этилмоқда.

Набижон СОБИР,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ИСЛОМ ХУСУСИЙ ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОРПОРАЦИЯСИ АЪЗОСИ

Ўзбекистон ислом хусусий тармоқни ривожлантириш корпорациясининг (ИРК) тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Теҳронда Ислом тараққиёт банки (ИТБ) бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси доирасида ўтган мазкур халқаро ташкилотнинг 4-Бош ассамблеясида шундай қарор қабул қилинди.

ИРК 1999 йилда Ислом тараққиёт банкининг (ИТБ) бўлинмаси сифатида ташкил этилган бўлиб, корпорацияга аъзо мамлакатлар хусусий тармоғига хизмат кўрсатувчи халқаро молиявий ташкилот ҳисобланади.

Бугунги кунда 42 мамлакат ва 5 жамоатчилик молия ташкилоти ИРК аъзосидир.

ИРКнинг низом жамғармаси 1 миллиард АҚШ доллари бўлиб, шундан 500 миллиони корпорацияга аъзо мамлакатлар бадалларидан иборат ва у қуйидагича тақсимланган: 50 фоизи — ИТБ, 30 фоизи — аъзо мамлакатлар, 20 фоизи — аъзо мамлакатлар молия ташкилотлари.

ИРК хусусий тармоққа инвестициялар учун фондларни сафарбар қилиш, давлат ва хусусий тармоққа маслаҳат хизмати кўрсатиш йўли билан компанияларни хусусийлаштириш ва реструктуризация қилиш дастурларида қатнашади, ислом сармоя бозорини ривожлантиришга кўмаклашади.

ИРК тўғридан-тўғри молиялаш, активларни бошқариш, тузилмавий молиялаш, маслаҳат бериш каби хизматлар кўрсатади. Молиялаш услублари капитал ва даромадда шерик бўлиш, лизинг операциялари, қисман сотиш кабиларни ўз ичига олади.

Қуйидагилар мақбул лойиҳалар ҳисобланади: "Greenfield" — иқтисодиёт ривожига таъсир кўрсатадиган янги компаниялар ва дастурларни молиялаш, мавжуд лойиҳаларни кенгайтириш учун молиялаш ёки инвестиция киритиш, реструктуризация ва реабилитация қилиш, хусусийлаштириш операциялари — давлат улушини акциялар умумий қийматининг 49 фоизидан оширмаслик.

2003-2004 йилларда ИРК умумий қиймати 57 миллион АҚШ долларига тенг 11 лойиҳани молиялашни маъқуллади. ИРК лойиҳалари агробизнес, нефть ва газ, фармацевтика, телекоммуникация ва молия каби тармоқларга тақсимланган. ИРК ташкил этилганидан буён умумий қиймати 193,6 миллион АҚШ долларига тенг 32 лойиҳани маъқуллаган.

(ЎзА).

Икки палатали парламент:

ШАКЛЛАНИШ МЕХАНИЗМИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Конференцияда сиёсатшунослар, парламентаризм соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи олимлар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар раҳбарлари, хорижий дипломатлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар, Бельгия, Германия, Ҳиндистон, Польша, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг давлат ва ноҳукумат тузилмалари вакиллари иштирок этдилар.

26 декабрда мамлакатимиз тарихида илк бор икки палатали парламентга, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Ўзбекистон ўз истиқлолининг илк кунларидан демократия йўлини танлади, деб қайд этилди конференцияда. Ҳокимиятнинг барча бўғинлари фаолияти аниқ мувофиқлаштирилди, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик базасини шакллантириш борасида Олий Мажлис самарали иш олиб борди.

Ўтган йиллар мобайнида парламент фаолиятининг муайян тажрибаси тўпланди, деб таъкидлади Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев. Икки палатали парламентга ўтилиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қурилиши йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш мутлақо янги асосда, бугунги воқелик ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Бунинг учун амалдаги сайловга оид қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, қатор янги қонунлар қабул қилинди. Сайловлар демократик, очиқ ва ошкора ўтиши учун барча чора-тадбирлар кўрилди. Уларда сиёсий партиялардан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши ҳам сайловлар ҳаққоний ўтишига ёрдам беради.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда парламент ислоҳотининг боришини, бўлғуси икки палатали парламент конституциявий-ҳуқуқий базасини таҳлил этди ва уни бошқа мамлакатлар қонунчилиги билан таққослади, республикамиз олий қонунчилик органи ишини янада такомиллаштириш йўллари хусусида фикр алмашдилар. Олий Мажлис палаталарини шакллантириш усуллари ва уларнинг ваколатлари, қонунларни ишлаб чиқишда сиёсий фракциялар иштирокининг механизми муҳокама этилди.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари конференция қатнашчиларини дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги парламент тизимлари, бу соҳадаги халқаро меъёр ва стандартлар билан батафсил таништирди. Жумладан, анжуманда ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари Пэр Нормарк, Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича минтақавий вакили Аня-Мария Кэссер, АҚШ Миллий матбуот маркази вице-президенти Питер Жеймс Хикман, Япония парламенти Юқори палатаси режалаштириш ва келишув офиси директори ёрдамчиси Ясуо Накаучи, Ҳиндистоннинг Жавоҳарлал Неру номидаги университети профессори Нирмала Жоши, Польша Сейми депутати Кшиштоф Оксюта, Россия Фанлар Академияси Халқаро иқтисодий ва сиёсий тадқиқотлар институти катта илмий ходими Елена Кузьмина ва Россия стратегик тадқиқотлар институти катта илмий ходими Аждар Куртов, Украина Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биринчи проректори Нина Нижник ва Украина Президенти ҳузуридаги Миллий стратегик тадқиқотлар институти сиёсий стратегия бўлими мудири Виталий Паламарчук, Тожикистон Марказий сайлов комиссияси котибияти мудири Муҳибилло Додожонов, Қирғизистон Марказий сайлов комиссияси аъзоси Женишбек Акматов ва бошқа давлатлардан келган сиёсий таҳлилчи ва экспертлар сўзга чиқдилар.

Улар Ўзбекистонда бўлғуси сайловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши республикамиз ижтимоий-сиёсий тараққиётида янги босқич эканлигини, кучли фуқаролик жамиятини қуришдаги демократик жараёнлар муайян даражада уларнинг натижаларига боғлиқлигини қайд этишди. Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш давом этмоқда ва бу йўналишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгаймоқда. Таъкидландики, барча ривожланган мамлакатларда бундай қонунчилик мунтазам ислоҳ қилиб борилади ва бу демократиянинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади.

Конференция қизғин мулоқот ва фикр алмашиш руҳида ўтди. Турли қарашлар билдирилди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов конференцияни якунлар экан, анжуман иштирокчилари хорижий парламентаризм тажрибаси тўғрисида кўпгина фойдали маълумотлар олганлигини, бу тажриба Ўзбекистоннинг янги парламентини шакллантиришда эътиборга олинишини таъкидлади.

Анжуман якунида парламент ишини янада такомиллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

Конференция қатнашчилари Олий Мажлис фаолияти билан таништилар.

Сайлов кампанияси доирасида бўлғуси сайловларга бағишланган яна қатор конференция ва семинарлар ўтказиш мўлжалланган. Чунончи, 7-8 октябрда Тошкентда "Сайлов технологиялари ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатлар" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Хабарлар оқимидан

Вилоят Кенгаши сессияси

БУХОРО (ЎзА мухбири Илҳом САФАР). Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов бошқарган сессияда Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, бу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

Сессияда учинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси таркиби тасдиқланди.

Хатирчида спорт комплекси

Республика болалар спорти жамғармаси буюртмасига асосан Хатирчи туманида замонавий спорт мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Қарийб 450 миллион сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган ушбу мажмуада сузиш, футбол, волейбол майдонлари, ёпиқ спорт зали, ўқув-машғулот маркази мавжуд.

Келгуси йил охирига қадар туманда битта яна шундай болалар спорт мажмуаси қурилиши режалаштирилган.

Музаффар ШАРОПОВ.

Сайлов қонунчилигини биласизми?

Номзодлар синови

— Сайлов натижалари қандай аниқланади?

— Бу вазифа сайлов округлари бўйича фақат участка сайлов комиссиялари тақдим этган баённомалар асосида округ сайлов комиссиялари томонидан, республика миқёсида эса округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Округ сайлов комиссиялари округ бўйича, Марказий сайлов комиссияси эса Ўзбекистон Республикаси бўйича сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари ва варақалари олганлар сонини, уларнинг қанчаси сайловда иштирок этганини, ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозларни, ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

— Номзод Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланиши шарти қандай?

— Бунинг учун у тадбирда қатнашган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган бўлиши шарт.

— Сайловнинг ўтмаган деб ҳисобланишига нималар сабабчи бўлади?

— Мабодо, сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Сайлов чоғида йўл қўйилган, оқибат-натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қонидабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд баъзи сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бу ҳақдаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан чиқарилади. Унинг устидан сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиш мумкин.

Айрим сайлов участкаларида сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ана шу участкалар бўйича овоз бериш натижаларисиз ҳам умуман сайлов ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги инобатга олинган ҳолда бу натижалар Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича баённома тузади ва қарор қабул қилади.

— Қай ҳолатларда такрорий овоз бериш ўтказилади?

— Агар сайлов округи бўйича депутатликка номзодликка икки нафардан ортиқ киши қўйилган бўлса-ю, бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади ва Марказий сайлов комиссиясини ҳамда округ сайловчиларини бундан хабардор этади. Такрорий овоз бериш "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя қилинган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади. Унда қатнашган сайловчилар овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, депутатликка сайланган ҳисобланади.

— Нималар Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайловини ўтказишга асос бўла олади?

— Агар: а/ сайлов округида сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилса; б/ такрорий овоз бериш Қонунчилик палатасига депутат сайланганини аниқлаш имконини бермаса; в/ сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган ва улардан бирортасиям сайланмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан асосий сайловдан кейин кўпи билан бир ойлик муддат ичида Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчилар рўйхатлари бўйича амалга оширилади.

— Бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловини ўтказиш тартиблари қанақа?

— Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган ёки бошқа сабабларга кўра унинг ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. У Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунга асосан ташкил этилади. Шу муносабат билан сайловга йигирма беш кун қолганида округ сайлов комиссияси, ўн беш кун қолганида эса участка сайлов комиссиялари тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайлов бошланишидан ўн беш кун олдин ниҳоясига етказилади.

— Қонунчилик палатаси депутатлари қай тартибда рўйхатга олинадилар?

— Марказий сайлов комиссияси бу ишни округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида амалга оширади ва натижасидан депутатларни огоҳ этади. Депутатликка сайланганлар эса Марказий сайлов комиссиясига Қонунчилик палатаси депутатининг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммасидан соқит қилгани ҳақида ёзма равишда маълум қилишлари шарт.

— Сайлов якунлари қачон эълон қилинади?

— Марказий сайлов комиссияси бу хусусдаги ахборотни ва Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхатини, уларнинг исм-шарифини, туғилган йилини, қайси партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозими (машғулоти тури)ни, иш ва яшаш жойини, сайлов округининг тартиб рақами ҳамда номини кўрсатган ҳолда ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Кенг кўламли бунёдкорлик

Кейинги пайтда Тўрақўрғон туманида бунёдкорлик, яратувчанлик борасида талай ишлар қилинмоқда. Хусусан, маданият уйи, қишлоқ врачлик пункти, кутубхона ва бошқа маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди. Ушбу қурилиш ишларида тумандаги 5-ҲМКК қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.



СУРАТДА: 5-ҲМКК қурувчиси Турғунпўлат Ҳотамов иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЁШЛАР ОВОЗИ

мамлакат истиқболини белгилайди

Дарҳақиқат шундай. Юртнинг камоли, элнинг бахт-саодати ёшларнинг интилишлари, ақл-заковати, билим ва салоҳиятига боғлиқ. Бугун одамларда ҳаёт воқеаларига бўлган қарашлар ўзгарди. Айниқса, кўппартиявийлик жорий этилиши жамиятда барча ижтимоий гуруҳлар қатори ёшларнинг ҳам тафаккури, дунёқараши шаклланиши, мавжуд тасаввурларнинг янгиланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Эндиликда улар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўрин тутадиган муҳим воқеаларга ўз муносабатларини билдиради, баҳслашади, ўзгаларни мунозарага чорлайди. Ана шундай фаол ёшларнинг таянчига айланиб бораётган «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон Миллий боғида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази билан ҳамкорликда ёшлар сайлини ташкил этди.

Тадбир учун мўлжалланган жой боғ маъмурияти томонидан байрамона безатилган. Талабалар, ўқувчилар билан тўла майдонда дастлаб давлатимиз мадҳияси янгради. Барчанинг қўли кўксида. Уларни кузатаман. Ҳаётга аниқ тасаввурлар билан қарайдиган ёшлар Ватанимизнинг қудратини, шон-шавкатини юксалтиришга астойдил бел боғлашган. Саҳна тўрида «Мамлакат тақдирига бефарқ бўлма!» шиори эса ёшларни бўлажак сайловда фаол иштирок этишга ундайди.

— Бу йил илк маротаба сайловда қатнашаман, — дейди Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси Одилбек Ғаниев. — Тўғрисини айтсам, шу кунгача бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эдим. Тенгдошларимнинг сайлов ҳақидаги фикрларини эшитиб, ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Менинг овозим юртимиз тақдири, ўзимизнинг келажагимиз учун катта аҳамиятга эгалигини англаб етдим.

Унинг сўзларини тенгдошлари Элёр Мустафоев, Шерзод Мадаминов давом эттирар экан, халқнинг ишонган вакиллари — муносиб номзодларга овоз бериш осон эмаслигини, бунинг учун ҳар бир ёш сиёсий билим ва даражага эга бўлиши лозимлигини таъкидлашди.

Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбир кечгача давом этди. Унда талабалар театр жамоаларининг, «Ниҳол» мукофоти совриндорларининг бадиий чиқишлари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Зиёда АШУРОВА.

ҲАММАЯМ ФЕРМЕР БЎЛАВЕРМАЙДИ

Бу гапларни бизга етти йил нарисида Марказий Фарғона қумликларига қамишдан капа тиккан, ҳозирга келиб ўша чайлаларни дала шийпонларига алмаштирган, Улуғнор туманидаги 459 та деҳқон ва фермер хўжалигидан бири «Дилором»нинг раҳбари Дилоромхон Раззоқова айтди.

Қиш чилласида ерлар шўрини яхоб билан ювган, жавзога келиб тупроқ ковлаган, саратонда ғўзасини шарбатга қондирган ва ниҳоят чўл жазирамасида қорайган юзларини сунбула сувига чайган деҳқон яна шундай деди:

— Ишлайдиган дамлар энди келди. Уруғлик ташвишини қилмаймиз. Ўғитни вақтида оляпмиз. Ёнилғи излаб катта-кичик идораларнинг эшигига бош урмаяпмиз. Ер ўзимизники. Яна қоларса ҳақ-ҳуқуқимизни керакли идоралар ҳимоя қиляпти. Гапнинг сирасини айтганда, яна қанчалаб имтиёзларга эга деҳқон юракдан чиқариб ишламаса, энди уят бўлади.

Шийпонни ёнлаб ўтган анҳорда сузаётган ўрдаклардан тортиб, катакда тухумлаётган товуқларгача, қўрадаги қўйлардан тортиб, охур ёнида ковуш қайтараётган сигирларгача, меваси кўплигидан шохлари ларзон боғ-роғларгача ташкил қила олган «Дилором» чилар аввалига ўн гектар ерда деҳқончилик қилдилар. «Дўстлик» ширкат хўжалиги ҳовучлаб ҳосил олганда, фермернинг пахтасига хирмонлар торлик қилиб қолди. Ширкат деҳқонларга буғдойни тарозида тортиб тарқатганида «Дилором» ўз аъзоларига ботмонлаб дон улашди.

— Кўрпадай ерга ўсмаю хинаям сепиб қўйинглар, — дея писанда қилганлар «Дилором»чиларга пировардида тан беришди. Ахир чумолида тиним бўлса борки, аммо қизлари тушмагурлар қимирлагани қимирлаган. Керак бўлса шийпонда ётиб экинни суғоришади. Пахтани саранжомлашади. Ҳисобкитоблари пухта. Қанийди бошқа фермерлар ҳам уларга ўхшаса!

Таассуфлар бўлсинки, ҳамма фермерлар ҳам зиммаларидаги масъулиятни «Дилором»чиларга ўхшаб чуқур ҳис этаяпти, бажариши зарур бўлган вазифаларга виждонан, тўғри, амалдаги тартиб-қоидалар доирасида ёндошяпти, деб бўлмайди. Ўз манфаатини ўйлабгина деҳқончиликни танлаган бир хилги кимсалар давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етиштириш юзасидан шартномалар тузгани холда амалда уни бажармаётир. Бу тоифадагилар мавжуд қонунларга нописандлик билан қарамаганларида унумдор ерлар увол бўлмасди. Устига-устак ерларнинг мелиоратив ҳолатига путур етмасди.

«Одилбек» фермер хўжалигига Ханифахон Ҳасанова раҳбарлик қилади. Қишлоқ мулкдорига «Оқ олтин» ширкат хўжалигидан 16,5 гектар ер ажратиб берилган. 2001 йили зўр-базўр 16,9 центнерга, кейинги йили бу кўрсаткич 14,4 га, ўтган йили эса 7,2 центнерданга тушиб кетди. Шартнома мажбуриятлари барбод бўлди. Унга қўшни бўлган «Абдумўмин» фермер хўжалигида аҳвол ундан-да аянчли. Уч йил илгари 16 гектардаги пахтадан 17,5, кейинги йилга келиб 13,3 гектар ердан 15,3, ўтган йили 24,1 гектардан 5 центнердан ҳосил олинди.

Бирида — яхши, бирида — акси

Ернинг қадрига етган, меҳрини берган ҳалол фермерлар мамлакат қишлоқ хўжалигининг ривожланиб тараққий топишига ҳисса қўшиб, бунинг натижасида бой-бадавлат бўлмоқда. Бурч ва мажбуриятини унутган, лафзида турмаган, ерни увол қилиб, деҳқон номига доғ туширганлар ҳам учраши ачинарли. Шу ўринда М. Абдуллаева бошчилиқ қилаётган «Соҳиб» фермер хўжалигини олиб кўрайлик. «Улуғнор» ширкат хўжалигининг 14,2 гектар экин майдонини олган «Соҳиб»чилар дастлабки йили ёмон ишламадилар. Пахта етиштириш юзасидан шартнома режаси бажарилди. Бироқ кейинги йиллари унга кўз тегди. Аниқроқ қилиб айтганда режадаги 41,1 тонна ўрнига 12,6 тонна пахта таролзидан ўтди, холос. Ҳосилдорлик 8,9 центнердан ошмади. Юқоридаги натижалар ҳали ҳолва экан. Ўтган йили 10,7 гектардан 25 тонна ўрнига, атиги 1,8 тонна пахта йиғиштириб олинди. Ҳосилдорликни айтишга тил ҳам бормайди — 1,7 центнер! Шартнома режаси 7,2 фоизда қолиб кетди. 3,5 гектардаги буғдойнинг шўрига шўрвалар тўкилди. Кам деганда 9,6 тонна дон сотамиз дея баландан келганлар аслида давлатга бир ҳовуч ҳам ғалла топширмадилар.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг Улуғнор тумани вакиллиги бу манзарага қандай муносабатда бўлди?

Айтиш мумкинки, яранинг газак олиб катталашмаслиги учун бирон чора кўрмадилар. Ахир 14 гектар ер ҳазилакам майдон эмас! Шундай экан уюшмадагилар жиддий муносабат билдиришдан кўра кўрибкўрмасликни афзал билдилар. Оқибат нима бўлди?

— Пахта, ғалла режасини сурункали бажармай келаётган фермерни ҳеч қачон даласидан тополмайсиз, — дея нолиди уюшма вакиллиги директорининг ўринбосари Акмалжон Қоратоев. — Фермер ерга умуман қарамай қўйган. Экиннинг ҳоли нима кечяпти, иши йўқ. Бу йил уч гектар ерда буғдой етиштириш бўйича шартнома тузган, унга кўра 7400 килограмм дон топшириш шарт эди. Амалда бир сиқим ҳам ғалла етказиб берилмади.

— Ўн гектардан ортиқ майдондаги пахтанинг аҳволи қандай?

— Экинга вақтида қаралмади. Оқибатда ғўза бегона ўт исканжасида қолди. Буям етмагандай экин қониб сув ичмади. Умуман аҳвол яхши эмас.

Биз фермер М. Абдуллаевани йўқлаб унинг даласида бўлдик. Афсуски, бironта одамни учратолмадик. Эсизгина ер. Эсизгина уруғлик!

Улуғнорда фалон тонна дон топшираман, деб ёлғон ваъдалар бериб, сўнгра ғиромлик йўлига ўтган биргина «Соҳиб» фермер хўжалиги эмас экан. М. Топволдиев раҳбар бўлган «Гулистон» деҳқон фермер хўжалиги шартномадаги 9400, М. Ҳомидов тасарруфидаги «Шуҳратбек» хўжалиги 15.600 кг. ғаллани умуман топширмаган. «Бўрибек», «Ҳилола», «Улуғнор», «Нодир» сингари ўнлаб фермер хўжаликлари шартнома режаларини зўрға ярим-ёрти уддалаган.

Туманда фермер хўжаликлари ихтиёрига 12.030 гектар серунум ер топшириб қўйилган. «Оқ олтин» ширкат хўжалиги худудидаги «Илҳом», «Улуғнор» ширкат хўжалигидаги «Нодира»га ўхшаш фермер хўжалиги пахта ва ғаллачиликда ўзига хос мактаб яратди. Бу борада бой тажриба тўпланди. Бугун ўзини ҳам, ерни ҳам қийнаётганлар улардан иш ўрганишларини, «Дилором»чилардан меҳнатни ташкил этиш, дам олиб ҳордиқ чиқаришни ўрнига қўйиш, рўзғорига қут-барака киритиш «сир»ларидан бохабар бўлишларини чин дилдан истар эдик.

Ҳа, айтгандай, «Дилором» фермер хўжалигининг экин майдони шу йил эрта баҳорда 43 гектарга кенгайганини, тайёрлов корхоналарига 46 ўрнига 56 тонна дон топширилганини, 6 миллион сўмдан ортиқ даромад қилинганини, ҳар бир ишловчига бир тоннадан дон текканини айтишни унутаёзибмиз. Чўл инжиқликларида тобланган 13 нафар фидойи инсон ҳам пахтакор, ҳам ғаллакору чорвадор. Улар шу кунларда «Оқдарё - 6» навли пахтани ёғин-сочинга қолдирмай йиғиштириб олиш илинжида. Улар режадаги 93 ўрнига 120 тонна чўл жавоҳири етказиб беришмоқчи.

Дилором Раззоқова айтганидай, фермер бўлишни орзулаётганлар бисёр. Лекин чинакам мулкдорга айланишнинг ўзи бўлмайди. Даласини соғиниб, кенгликларга талпиниб яшаганларгина чуқур томир отади, палак ёзади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқда янги корхона

Хушбўй таъмли чойга таъбингиз қалай? Бувайда туманидаги "Оққўрғон" ширкат хўжалиги ҳудудида иш бошлаган "Белла-Терра НННИ-нтернационал" масъулияти чекланган корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот чойингизни янада хуштаъм қилиши шубҳасиз. Унга, асосан, хорижликлар харидор бўлишаётир.

Корхона ишга тушиши билан минг нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминландилар.

"Туркистон-пресс"

Польшада Ўзбекистонга қизиқиш ортмоқда

Польшанинг етакчи нашрларидан бири ҳисобланмиш «Трибуна» газетасида «Ўзбекистон: ислоҳотларнинг дадил режалари» номли мақола эълон қилинди. Журналист Михал Пжечек унда қуйидагиларни таъкидлайди: «Дон етиштириш, энергетика соҳаларидаги муваффақиятлар, авиация ва тоғ-кон тармоқларида ишлаб-чиқариш кўрсаткичларининг ўсиши, янги — автомобиль саноатининг яратилиши — бу замонавий Ўзбекистоннинг қиёфасидир. Мустақиллик қўлга киритилгунча республика асосан хомашё манбаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ўлка бўлиб келаётган эди. Мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар жараёни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан таклиф қилинган беш тамойил асосида амалга оширилмоқда».

Муаллиф республика раҳбарияти томонидан хорижий сармоядорлар учун яратилаётган қулай шароит боис Ўзбекистон 140 мамлакат билан иқтисодий муносабат ўрнатгани ва товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсиб бораётганига эътибор қаратади. Ишлаб чиқариш тармоқларининг дадил ривож топаётгани экспорт салоҳияти ошишига олиб келмоқда.

«Трибуна» хусусий тармоқни муваффақиятли ривож топаётгани, бунда кичик ва ўрта бизнес муҳим ўринга эга эканини эътироф этади. Ушбу корхоналарда 260 мингдан ортиқ янги ишчи ўринлари барпо қилинган. Ўзбекистонда давлат мулки хусусийлаштирилмоқда. Ушбу жараён ҳали ниҳоясига етказилганича йўқ, бироқ ўзгаришлар ортга қайтмас маромини олган.

«Жаҳон» АА.

ЭТА етакчилари қамоқда

Франция полицияси испаниялик ҳамкасблари билан бир неча қишлоқларда аксилтеррор текширувини ўтказдилар. Испания ички ишлар вазири Хосе Антонио Алонсо ҳамкорликда ўтказилган мазкур операция натижаси ўлароқ юзлаб одамлар ҳаёти сақлаб қолинганлигини таъкидлади.

Операциялар чоғида Франциянинг жануби-ғарбида жойлашган аҳоли пунктларида йигирма киши қўлга олинган. Улар орасида ЭТА айирмачилик гуруҳининг икки етакчиси — Микел Албису Ириарте ҳамда унинг ҳамтовоғи Мария Соледад Ипарагирреларр бор. Улар ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида Испания судидан яшириниб юришган эди.

Қарзларни ким тўлайди?

Россия 2006 йилга бориб собиқ иттифоқ даврида олган қарзларни тўлаш борасидаги масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилиши мумкин. Бу ҳақда Ташқи иқтисодий алоқалар банки раҳбари Владимир Дмитриев Вашингтонда журналистларга маълум қилди. Ушбу банк айни пайтда Россия ҳукуматининг давлат ташқи қарзларини тартибга солиш бўйича агенти ҳисобланади.

Жангарилар йўқ қилинди



Америка ҳарбий ҳаво кучлари Фаллужа шаҳрини уч маротаба бомбардимон қилди. Америка ҳарбийларининг сўзларига қараганда, жангарилар қурол-яроғ сақлаётган бинолар ҳарбий самолётлар нишонига айланган.

Баъзи бир манбаларда айтилишича, операция чоғида ўн бешдан ортиқ жангари йўқ қилинган. Тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бўлмаган, бироқ ярадорлар бор.

Маъмурий жавобгарлик кучайтирилади

Россия Давлат Думаси деярли бир овоздан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс»га киритилган ўзгартишларни тасдиқлашга тайёр. Унда муҳожирлик тўғрисидаги қонунларни бузган шахсга нисбатан қўлланиладиган жарима миқдорини кўпайтириш назарда тутилган. Хусусан, хорижий ишчилар меҳнатидан ноқонуний фойдаланган иш берувчига ҳам 100 доллар атрофида жарима солинади.

Федерал муҳожирлик хизмати берган маълумотга кўра, 2003 йил охирида 5 миллионга яқин хорижий шахслар расмий рўйхатдан ўтишган. Бу эса 2002 йилда қайд этилганидан 32 фоиз кўп демакдир.

Муҳожирлар кўпаймоқда

Кўплаб ноқонуний муҳожирлар Лампедуза ороли орқали Италияга кириб келишга уринишмоқда. Италия ички ишлар вазири Жузеппе Писану Ливиядан келган қочоқлар ўз мамлакатларига қайтарилаётганлигини айтиб ўтди. Унинг таъкидлашича, муҳожирлар жойлашган уч самолёт аллақачон Ливияга жўнатилган.

Маълумотларга қараганда, биргина ўтган шанба куни 600 нафар муҳожир оролга етиб келган.

Туркия ва ЕИ

Германияда чоп этиладиган Bild газетасида таъкидланишича, Еврокомиссия маърузасида Туркиянинг ЕИга аъзо бўлиб кириши учун расмий Анқара билан музокараларни давом эттириш тавсия этилган. Комиссия Туркия Европа Иттифоқи томонидан қўлланиладиган сиёсий мезонларга етарлича жавоб беради.

Нобель ҳафталиги

Швецияда 103-Нобель ҳафталиги бошланди. Унда физиология ва тиббиёт соҳасида Нобель мукофотига муносиб деб топилган олимларнинг ишлари жой олган.

Бугун Швеция қироллиги илмий академиясида физика соҳасидаги мукофот соҳибининг номи эълон қилинади.

Маълумки, мазкур мукофотни қўлга киритган номзодга 10 миллион швед кронаси(1 миллион 342 минг АҚШ доллари) берилади. Жорий йил 10 декабрь куни Швеция қироли мазкур мукофотни ўз соҳибларига топширади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

«Қора олтин»нинг рекорди

Барча юрак ҳовучлаб кутган воқеа юз берди. Нефтнинг нархи тарихда биринчи марта баррелига 50 доллардан ошди.

"Қора олтин"нинг бундай қимматлашишига мутахассислар турли сабаблар келтиришаяпти. Улардан асосийлари: хомашёнинг Ироқ ва Нигериядан юборишдаги қийинчиликлар ҳамда АҚШда яқинда бўлиб ўтган довуллар оқибатида нефть ишлаб чиқаришда юзага келган муаммолардир.

АҚШда ноябрь ойига мўлжалланган фьючерс шартномалари электрон савдода 53,17 долларни, Лондон биржасида бир баррел "қора олтин"нинг Brent нави савдолар якунида 45,93 долларни ташкил этди.

"Инвесторлар нефтнинг бир баррели 50 долларлик чегарадан ўтганидан сўнг, бозор нархлар ўсиши борасидаги салбий янгиликларга қарийб муҳтож бўлмай қолди, — дейди BNP Paribas нефть компаниясининг мутахассиси Том Вентс. — Баъзи нархлар ўз-ўзидан ўсиб бормоқда".

Бу фикрни Morgan Stanley инвестицион банкининг экспертлари ҳам тасдиқлашди. Улар нефтнинг бир баррели 60 долларгача кўтарилиши мумкинлигини башорат қилишмоқда.

Мутахассислар яқин орада жаҳон нефть бозорларида "қора олтин" нархининг ошишига Нигериядаги сиёсий аҳволнинг беқарорлиги сабаб бўлаётганини айтишмоқда. Мазкур мамлакатдаги қуролланган мухолифатчилар Нигер дарёси бўйидаги нефть компанияларини ёпиш ҳақида таҳдид қилмоқдалар. Нигерия нефть хомашёсини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ОПЕКда бешинчи ўринда туради.

Ўтган ҳафта Нигериядаги исёнчи

гуруҳлардан бирининг етакчиси Мужоҳид Докубо-Асаарий 1 октябрдан давлатга қарши уруш бошлашини билдирди. "Нигер дельтасидаги халқ кўнгилли кучлари" исёнчи гуруҳи барча хорижий нефть компанияларини мамлакатдаги фаолиятини тўхташини талаб қилди.

Шу билан бир пайтда ОПЕК президенти Пурномо Юсгианторо картель декабрь ойига мўлжалланган конференцияни бошқа пайтга кўчиришни режалаштирмаётганини билдирди. Унинг айтишича, нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) нефть нархининг ўсганига унча кўп эътибор қилаётгани йўқ. Чунки бу нархларнинг пасайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Ироқда нефть ишлаб чиқариш ва жўнатиш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Мамлакат расмийлари террорчиларга қарши курашда муаммолар борлигини айтишмоқда. Маҳаллий ҳокимиятларга сайловлар олдидан нефть қувурларини портлатишга уринишлар давом этмоқда. Бундан бир неча кун аввал Киркук — Жайхон шимолий нефть магистралида кўпорувчилик амалга оширишга ҳаракат қилинди. Бахтли тасодиф туфайли фожиа юз бермади.

Шундай бўлса-да, нефть нархи бўйича келажакка умид билан қараётган мутахассислар ҳам кам эмас. Масалан, Alaron Trading компанияси вакили Фил Флин агар геосиёсий характердаги салбий воқеалар бўлмаса, "қора олтин"нинг бир баррели 45-50 доллар атрофида бўлади, деган фикрни билдирди.

Нефть бозорини барқарорлаштириш масаласи ўтган ҳафтанинг охирида "Катта еттилик" молия вазирларининг Вашингтондаги йиғилишида ҳам кўриб чиқилди. Улар учрашув якунида берган баёнотида "қора олтин" экспорт қилувчи мамлакатларни хомашё ҳажмини кўпайтиришга чақиришди. Ҳужжатда нефть сотиб олувчи давлатлар маҳсулотни тежаб ишлатиши зарурлиги ҳам таъкидланган.

Шунингдек, "Катта еттилик"ка кирувчи мамлакатларнинг баъзи молия вазирлари нефть нархи ошишига айрим йирик молиявий компанияларнинг аввал сотиб олган маҳсулотини қимматроқ сотиш мақсадида шу мавзудаги миш-мишларни кўпиртираётганини ҳам қайд этишди. Вазирлар мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун бозорни тиниқлаштириш ҳамда таклиф ва эҳтиёж масаласига жиддийроқ ёндашиш зарурлигини таъкидладилар.

Албатта, бундай чоралар самара берадими, йўқми, ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Уларнинг нефть бозорига қанчалик таъсирли бўлишини вақт кўрсатади.

Салим ДОНИЁРОВ.

«9/11» ФОЖИАСИ

Бу кун нафақат Америка Қўшма Штатлари, балки бутун дунё тарихига инсониятга қарши қаратилган дахшатли жиноят содир этилган машъум кун сифатида кирди. Унга америкалик журналистлар томонидан «9/11» куни деб ном берилгани бежиз эмас. Чунки айнан шу куни, яъни 2001 йил сентябрь ойининг 11 санасида АҚШнинг федерал қутқарув хизматига қарашли «911» телефон рақамларига саноқсиз қўнғироқлар бўлган, тиббиёт ходимлари минглаб инсонларнинг жонини сақлаб қолиш, ёнғинга қарши кураш хизмати ходимлари мислсиз ёнғинни ўчириш, қутқарувчилар қанчадан-қанча фуқароларни ўлим чангалидан олиб чиқиш учун курашган, полиция эса бу воқеани ўз тарихидаги энг йирик жиноят деб баҳолаган эди.

2001 йил 11 сентябридан сўнг орадан ўтган минг кун ичида АҚШ Конгресси томонидан махсус тузилган *АҚШга қарши қаратилган террористик ҳужумлар юзасидан Миллий қидирув комиссияси* бу фожиа билан боғлиқ ҳамма ҳолатлар, воқеалар, шахслар ва бошқа фактларни чуқур текширувдан ўтказиб, текширув натижалари ҳақидаги ҳисоботни оммавий ахборот воситаларида эълон қилди.

Ҳисоботга кўра, аслида ушбу террорда 19 эмас, балки 25 ёки 26 нафар террорчи иштирок этиши лозим бўлган. Уни амалга ошириш учун тахминан 400-500 минг АҚШ доллари миқдорида пул сарфланган. Бундан ташқари, яна икки юз минг долларга яқин пул террорчиларни тайёргарликдан ўтказишга кетган. Комиссия томонидан ушбу террористик хуружга бирор-бир давлат алоқадор бўлганлиги тўғрисида далиллар топилмади.

«9/11» фожиасини амалга ошириш таклифи 1996 йилдаёқ «Ал-қоида» аъзоси Холид Шайх Муҳаммад томонидан илгари сурилган эди. У Бин Лодинга тақдим қилган ўз режасида 10 та авиалайнерни ўғирлаш ва бу самолётларни АҚШнинг Шарқий ва Ғарбий қисмларидаги объектларга, аниқроғи — Бутунжаҳон Савдо Маркази(Нью-Йорк); Пентагон биноси, Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) қароргоҳи, Федерал Қидирув Бюроси (ФҚБ) қароргоҳи (Вашингтон); Калифорния ва Вашингтондаги иккита осмонўпар бинолар ва яна бир атом электростанциясига олиб бориб уришни назарда тутган эди. Бундан ташқари, битта самолётдаги барча йўловчиларни ўлдириб ташлаб, халқаро аэропортлардан бирига қўндириш ва бутун дунёга телемурожаат билан чиқиш ҳам режалаштирилган эди.

Дастлаб ўта қийиндай туюлган ва рад этилган бу режа 1999 йилда «Ал-қоида» раҳбарияти томонидан қайта кўриб чиқилиб, уни бироз енгиллаштирилган ҳолда амалга оширишга қарор қилинади. Мўлжалдаги объектлар сони камайтирилди. Операцияга АҚШ ва Жанубий-Ғарбий Осиё ичкарисида тўпланган ташкилот аъзолари, шу жумладан, АҚШнинг Гарвард университетида таълим олаётган талабалар ҳам жалб қилинди.



2000 йил январь ойида «Ал-қоида»нинг Гамбургдаги бўлими аъзоларидан 4 нафари Муҳаммад Атта бошчилигида Куала-Лумпур шаҳрида учрашади ва мазкур ҳудуддан АҚШга учадиган ҳаво лайнерларини ўғирлаш режасини тузади. Аммо кейинроқ бу режа бекор қилинади ва улар АҚШга кўчиб келиб, Лос-Анжелесда самолёт бошқаруви бўйича ўтказиладиган ёзги мактабга ўқишга киради. Шундан сўнг уларга яна бир неча террорчи қўшилади, уларнинг баъзилари Малайзиядаги ёзги мактабда ўқишни бошлайди.

Худди шу вақтда «Ал-қоида» аъзоларидан бири бўлган Буюк Британия фуқароси АҚШга келиб, полицияга таслим бўлади. У ФҚБнинг антитеррор хизматига террорчиларнинг йўловчи самолётларини ўғирлаш ва муҳим биноларга олиб бориб уриш ҳақидаги режаси тўғрисида хабар беради, бироқ бу хабар ҳақиқатдан йироқ маълумот сифатида рад этилади.

2001 йилнинг апрель ойида ёзги мактабда етарли тайёргарликдан ўтган террорчиларнинг асосий қисми АҚШга етиб келади. Бу шахслар операцияни бевосита амалга ошириши лозим бўлган ижрочилар эди.

Шу йил май ойида эса Марказий Разведка Бошқармасига Бин Лодиннинг АҚШда кенг қўламдаги террорчилик хуружига тайёрланаётганлиги ҳақида ахборот етиб келади. Биринчи рақамли террорчи ҳужум кунини дастлаб 12 майга белгилаган бўлса-да, тайёргарлик ниҳоясига етмаганлиги сабабли бу сана ўзгартирилади. Июнь ойининг охирида эса энг сўнгги икки террорчи АҚШга етиб келади.

2001 йилнинг ёзида бўлажак террорчи-учувчилар Атта, Марвон ал-Шайхи (уларнинг самолети Бутунжаҳон Савдо Марказига бориб урилган), Хоний Хонжур ва Зиёд Жаррох (улар бошқарган самолёт Оқ Уйга ёки Капитолийга урилиши кўзда тутилган эди, аммо Пенсилвания штатининг Питсбург шаҳри яқинида қулаб тушган) Американинг ички ҳаво йўлларида бир қатор рейсларда қатнашади ва барча объектлар ҳақида маълумот йиғади.

Бу орада ФҚБ ва МРБ агентлари режалаштирилаётган террор тўғрисидаги маълумотларга бир неча марта дуч келади. Бунинг устига, «Ал-қоида»нинг икки аъзоси полицияда шубҳа уйғотганлиги ва виза олиш тартибини бузганлиги сабабли қўлга олинади. 2001 йил август ойида МРБ ва АҚШ Миллий Хавфсизлик Кенгаши Президент Жорж Бушга «Ал-қоида» террорчилари бир неча самолетларни ўғирлаши мумкинлиги ҳақида маълумот келиб тушганлигини етказади. 26 августдан 5 сентябргача бўлган вақт оралиғида террорчилар ўзлари ўғирлаши лозим бўлган самолетларга билет сотиб олади. Террористик ташкилотнинг бутун дунёдаги барча юқори даражадаги аъзолари эса 10 сентябргача Афғонистонга етиб келиш ҳақида буйруқ олади.

Шундай қилиб, 2001 йил 11 сентябрь куни дунё тарихидаги энг машъум террорчилик хуружи амалга оширилди.

Барчамиз гувоҳ бўлган бу фожианинг майда тафсилотларигача тўхталиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак. Шу боис, унинг оқибатларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. «9/11» фожиасида 3030 нафар инсон ҳаётдан кўз юмди, 2337 нафар инсон эса оғир жароҳат олди.

Ҳисоботда айтилишича, терактдан келган тўғридан-тўғри зарарнинг ўзи 135 миллиард доллардан ошди, АҚШ иқтисодиёти кучли инқирозни бошдан кечирди. Глобал ҳавфсизликни таҳлил қилиш институти берган маълумотга қараганда, агар фонд биржалардаги йўқотишлар, корпорациялар даромадининг кескин камайиши ҳам ҳисобга олинса, бу зарар миқдори 2 триллион долларга етади. Биргина Нью-Йорк теракт натижасида 146 мингдан зиёд иш ўринларидан махрум бўлди. АҚШ суғурта компаниялари эса 40-50 миллиард доллар миқдорида зарар кўрди.

11 сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ ҳукумати хавфсизлик соҳасини бутунлай қайта кўриб чиқди. Бюджетдан ажратилаётган маблағ миқдори 17 миллиардан 38 миллиард долларга оширилди. Штатлар маъмурияти хавфсизлик даражасини кўтариш учун йилига 10 миллиард доллар сарфламоқда. Ўзида 183 минг ходимни бирлаштирган Ички хавфсизлик вазирлиги ташкил қилинди. Бу вазирлик зиммасига нафақат АҚШга келиб-кетаётган хорижликларни текшириш, балки мамлакатда юз бериши мумкин бўлган терактларнинг олдини олиш, антитеррор соҳасида фаолият кўрсатувчи юзлаб ташкилотлар, агентликлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни зарур йўл-йўриқ, техника ва ходимлар билан таъминлаш, разведка агентларидан олинган террорчи ташкилотлар билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни тўплаш, текшириш ва таҳлил қилиш каби вазифалар ҳам юклатилган. Ички хавфсизлик вазирлигига ажратилаётган маблағ йилдан-йил ўсиб бормоқда — 2005 йилда у 33,8 миллиард долларга етиши кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мазкур террор бутун дунё аҳлининг кўзини очди. Терроризмга қарши курашда барча кучларни бирлаштирди.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

P.S. Мақоладаги саналар, далиллар, рақамлар АҚШ Конгрессининг *АҚШга қарши қаратилган террористик ҳужумлар юзасидан Миллий қидирув комиссияси* томонидан олиб борилган 3 йиллик тергов ва текширувлар натижаси бўлиб, комиссия эълон қилган ҳисоботдан олинди.

ПОЛЬША МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ
ПОЛЬСКАЯ НАЦИОНАЛЬНАЯ ВЫСТАВКА
ЭТО ПОЛЬША
г. Ташкент, 5 — 8 октября 2004 года
УЗЭКСПОЦЕНТР, ул. Амира Темура, 107.



Патронат выставки: Министерство экономики и труда Республики Польша
Партнер: УВЦ Узэкспоцентр
Организатор: Фонд «ЭТО ПОЛЬША»
Время работы выставки
5.10.2004 г. — с 11.00 до 17.00.
6-7.10.2004 г. — с 10.00 до 17.00.
8.10.2004 г. — с 10.00 до 17.00.
0843H/2167

Абхазияда сайлов...

Абхазияда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Кутилганидек, сайловчилар бу сиёсий жараёнда жуда фаол бўлдилар.

Абхазия Марказий сайлов комиссияси раҳбари Сергей Смирнинг айтишича, ушбу сиёсий жараёнда аҳолининг 50 фоизидан ортиқроғи қатнашган.

Сайловлар мамлакатнинг 35 округи ва 180 сайлов участкаларида ўтказилди. Президентлик учун 5 номзод: бош вазир Рауль Хаджимба, «Черноморэнерго» компанияси раиси Сергей Багапш, собиқ ташқи ишлар вазири Сергей Шамба, собиқ бош вазир Анри Жергения ва «Халқ партияси» етакчиси Якуб Лакоба кураш олиб борди.

Сайлов дунё ҳамжамияти томонидан тан олинмади.

Муҳолифат томонидан илгари сурилган номзод Сергей Багапш Грузия билан манфаатли алоқаларда айбланмоқда. Сергей Багапш эса бу айблар асоссизлиғини таъкидлади.

Сайловда номзодлар томонидан қўйилган кузатувчилардан ташқари Ҳаққоний сайловлар учун лигаси вакиллари ҳам иштирок этди. Бу лига маҳаллий нодавлат ташкилотлари томонидан тузилган.

— Бугун давлат бошқарувига ким келишидан қатъи назар, у эскича иш юрита олмайди. Абхазияга муҳолифат, ҳисобот берувчи ҳукумат ва мустақил суд тизими зарур, — дейди лига раҳбари Алхаз Тхагучев. Дастлабки маълумотларга қараганда, участкаларининг ёпилгунига қадар сайловларда овоз тўплаш бўйича бош вазир Рауль Хаджимба етакчилик қилди. Унинг номзодини 61 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган.

Лекин дунё ҳамжамияти томонидан тан олинмаган сайловларни ҳаққоний деб бўлармикин?

Хуршид РАУПОВ.

Икки магазинда портлаш

Якшанбадан душанбага ўтар кечаси Екатеринбургда икки портлаш содир этилди. Ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати вакилининг маълум қилишича, биринчи портлаш шаҳар марказида жойлашган кийим-кечак магазини ёнида юз берди. Қурбон бўлганлар ва жабрланганлар йўқ.

Иккинчи бомба Италия либослар дўконига ўрнатиб кетилган экан. Икки магазинга ҳам жиддий шикаст етди.

Ҳозирда турли тахминлар мавжуд. Дўкон эгалари ўртасида бирор келишилмовчилик оқибатида бу жиноят содир этилган бўлиши ҳам мумкин. Айни пайтда прокуратура ходимлари тергов ишларини олиб боришмоқда.

У. ДОЛИЕВА.

Ҳақ йўл саодати

ҳар бир инсоннинг йўлларини мунаввар ва мукаррам этсин

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, дунёда улкан ўзгаришлар юз берди. Мустамлака зулми остидаги кўплаб мусулмон давлатлари (Жазоир, Тунис, Марокаш каби) озодликка эришдилар. Европа ва Америкадаги тараққий этган йирик давлатлар таъсирида мусулмон олами, хусусан, араб мамлакатлари ички ва ташқи сиёсатида ҳам ўзгаришлар рўй бера бошлади. Яъни дин пешволарининг сиёсатга аралашиши тахт учун курашларни ҳам келтириб чиқарди.

Натижада «Мусулмон биродарлар», «Аллоҳ партияси», «Ҳамос», «Ҳизб ут-таҳрир», «Исломий уйғониш» каби исломий шиорлар остида сиёсатлашган расмий ва норасмий диний партия ва ташкилотлар пайдо бўлди. Бу партиялар Араб давлатларидаги жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсата бошлади. «Ҳизб ут-таҳрир» (Ҳуррият, озодлик) партияси 1953 йили Ливанда ташкил топган. Унинг асосчиси 1909 йилда туғилган фаластинлик Тақиуддин Набхоний бўлиб, у Қоҳирадаги «ал-Азҳар» университетида таҳсил олган. Тақиуддин «Ҳизб ут-таҳрир» партиясига ўзи раҳбарлик қилган ва 1979 йили вафот этган. Шундан кейин партияга, раҳбарлик қилиш фаластинлик (Ҳалил шаҳрида туғилган) Абдулқадим Зуллумга ўтади.

«Ҳизб ут-таҳрир»нинг асосий мақсади Ислом дини ниқоби остида ҳукмронликни қўлга киритиш, халифалик давлатини барпо этиб, инсониятни шу партия ишлаб чиққан низом ва қонунларга итоат эттиришдир. Бу йўлда партиянинг аъзолари ҳар қандай тўсиқ ва тазйиққа бардош бериб, ўз иродасидан қайтмаслиги, чекинмаслиги, фаолиятини сусайтирмаслиги керак. У бунинг учун қасамёд қиладди. «Ҳизб ут-таҳрир» раҳнамолари кишилар онгини эгаллаб олиш учун даъват усулидан кенг фойдаланадилар ва бу вазифага кўпроқ ёшларни жалб қиладилар. Улар ўз партиялари обрўсини орттириш ва давлатга раҳбарликни қўлга киритиш учун исломий даъват ниқоби остида иш тутадилар. Уларнинг «Ҳизб ут-таҳрир тушунчалари» китобида мусулмонларнинг ҳозирги пайтда фақат ибодат, рўза тутиш кабилар билан шуғулланиб, жиҳод қилиш, давлатни эгаллаб, уни исломий бошқарадиган халифа сайлашни ўйламай қўйганлари танқид остига олинади. Улар мусулмон давлатларида жуда кўп варақалар тарқатадилар. Минг таассуфки, бу варақалар бизнинг диёримизга ҳам кириб келган.

«Ҳизб ут-таҳрир» 1989 йилдан бошлаб, «ал-Ваъй» (онг) деган журнални чоп эта бошлади. Журнал ойда бир марта чиқади. Унинг асосий мақсади Ислом оламида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни баён қилиш, халифалик тўғрисида маълумотлар келтириш, Ислом ҳукмларига асосланган ягона халифалик давлатини тиклашга инсонларни даъват этишдан иборат. Шунингдек, бу борада Тақиуддин Набхонийнинг «Ислом низоми» деган китоби ҳам бор. Асарнинг нашр этилиш жойи номаълум. У ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Китобда «Ҳизб ут-таҳрир» ишлаб чиққан қонун-қоидалар асосида иш юритилсагина инсоният баркамолликка эришади, дейилади. Набхонийнинг «Халифалик» деган асарида бу тузумнинг афзалликлари ҳақида ривоят қилиниб, Ислом фақат халифалик давлати билан-гина тўла шаклланади, халифалик бўлмаган жойда Исломга итоат қилинмайди, деган асоссиз ғоя илгари сурилган. Бу фикрларни унинг издошлари Абдулқадам Зуллум ҳам ўзининг «Халифалик қандай тугатилган?» деган китобида давом эттирган. 500 йил ҳукм сурган араб Аббосийлар халифалиги 1252 йилда тугатилганидан сўнг, бир неча катта-кичик давлатларга бўлиниб кетди. Фан-техника тараққий этган, ҳар бири ўз мустақиллиги йўлидан бораётган мусулмон давлатларини ҳозирги кунда жиҳод ёки кучлиси кучсизини босиб олиш йўли билан бирлаштириш мумкинми? Ироқ томонидан Қувайтнинг босиб олиниши бу мамлакатга қанчалар қимматга тушди? Диндорлар давлатни бошқара оладими? Дунё тарихида бирор мамлакатда диний арбоб ҳукмрон бўлганми? Афғонистон, Жазоир ва Тожикистонда бўлиб ўтган воқеалар юз минглаб бегуноҳ мусулмонларнинг қони тўкилишига олиб келди-ку, ахир. Буларнинг ҳаммаси Исломнинг тўла моҳиятини тушунмаган ёки тушуна туриб, ўз шахсий манфаатини кўзлаган мансабпараст разил кишиларнинг қилмишидир.

Огоҳлик

Араб мамлакатлари раҳбарларининг ўзлари дин ниқобидаги ҳаракатларни қораламоқдалар, уларнинг фаолияти чекланмоқда ёки бутунлай тақиқланмоқда. Жазоир Миллий озодлик фронти партияси раҳбари «Сиёсат билан сиёсатчилар шуғулланишлари керак» деган бўлса, Ироқ ахборот вазири «Бизда дин уй ва масжид билан чегараланган, мулланинг минбардан туриб сиёсат ҳақида маъруза қилишига йўл қўйилмайди. Агар у шундай қилса, жиноий жавобгарликка тортилади», деган экан.

«Ҳизб ут-таҳрир»нинг расмий фаолият кўрсатиши араб давлатларида тақиқланган. Бу партиянинг Иорданиядаги раҳбари шайх Аҳмад ад-Давр 1969 йили ҳукуматни эгаллашда айбланиб, қатл этилган. Партиянинг 32 аъзоси Миср Араб Республикасида суд жазосини олган.

Афсуски, «Ҳизб ут-таҳрир», «Мусулмон биродарлар» ва бошқа ана шу каби партиялар ғоялари Марказий Осиё мамлакатларига ҳам кириб келди. Уларнинг адабиётлари, варақалари ўзбек ва бошқа тилларга таржима қилиниб, Исломнинг чин моҳиятини тушуниб етмаган ёшлар ўртасида хуфявий тарқатилмоқда. Ўзимиздан даъватчилар пайдо бўлди. Оқибатида нималар бўлгани барчамизга аён. Муқаддас Ислом динимизда фирқаларга бўлиниш ман этилган. Қуръони каримнинг «Оли имрон» сурасида: «Эй мусулмонлар, фирқаларга бўлинманглар, Аллоҳнинг арконини (ҳукмларини) маҳкам ушлаб, ҳаммангиз бир бўлингиз» дейилган бўлса, пайғамбаримиз (С.А.В.): «Фирқаларга бўлиниб кетманг, бу фалокат келтиради», деганлар.

Шу йилнинг март-апрель ойларида Тошкент ва Бухорода амалга оширилган қўпорувчилик натижасида бир неча кишининг ноҳақ қони тўкилди. Ислом динида мусулмонлар бир-бирига биродар, дейилган. Бир мамлакат, бир динда бўлган ўз биродарлари, ҳамюртлари умрига завол бўлиш қанчалик гуноҳи азим эканини наҳотки улар билишмаса?

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда тўла эркинлик барқарор бўлди. Ёшлар тарбияси, келажаги тўғрисида Президентимиз Ислом Каримов катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ёшлар илм-фан чўққиларини эгаллаб, хорижий мамлакатларда ўқиб ва ишлаб, турли фирмалар очиб, фермерлик қилиб, савдосотиқ ишлари билан шуғулланиб, оила қуриб, ҳашаматли иморатлар барпо этиб, тагларида машина ҳалолу пок яшамоқдалар. Айрим ёшларимиз жаҳон спорт мусобақаларида иштирок этиб олтин, кумуш, бронза медаллари соҳиби бўлиб, ватанимиз шон-шарафини оламга ёймоқда. Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Буларга ҳамманинг ҳаваси келади!

Азиз фарзандлар ва табаррук ота-оналар! Аллоҳ бизга улуғ неъмат бўлмиш ақл-идрок, тафаккурни ато этди ва «Одам боласини энг мукаррам» қилиб яратди. Гўзал, жаннатдай юртда яшамоқдамиз. Четдан кириб келадиган, ўз мамлакатида «бозори касод» ғояларга муҳтож эмасмиз. Энг буюк дин арбоблари, буюк алломалар бизнинг диёримиздан етишиб чиққанини унутмайлик, улар тутган ва қонунимиз белгилаб берган тўғри, ҳақ йўлдан борайлик, ёш умримизни барбод этмайлик.

Ҳожи Исматуллоҳ АБДУЛЛОХ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Марказ қайта таъмирланди

Инсон туғилган заҳоти ишга тушиб, то унинг сўнгги нафасига қадар хизмат қилувчи аъзо бу юракдир. Одамлар ўзлари ҳис этадиган энг олий туйғуларни фақат юрак билан боғлаши ҳам бежиз эмас.

Бироқ юрак биз учун қанчалик муҳим бўлса, уни асраш, даволаш шунчалик мураккабдир. Ҳатто айтиш мумкинки, юрак касалликлари билан ишлаш амалиёти илм-фан ҳозирги даражага чиққандан кейингина ривожлана бошлади. Болалар ва гўдакларда учрайдиган юрак касалликларини даволаш эса бундан-да мураккаб амалиётни, ўта юқори технологияларни, чуқур билим ва катта тажрибани талаб этади.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги (USAID), "Carelift International" халқаро гуманитар ёрдам ташкилоти ҳамда "First Data WESTERN UNION" жамғармасининг бирга-ликдаги тўрт йиллик ҳамкорлиги натижасида улкан лойиҳа амалга оширилиб, Тошкент шаҳар педиатрия ва кардиология Марказида мазкур оғир касалликка чалинган болаларни даволаш имконияти кенгайди. Юқорида санаб ўтилган ҳомийлар томонидан жами 1 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиб, Марказ бутунлай қайта таъмирланди. Жаҳон андозалари даражасида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги болалар интенсив терапияси бўлими, қўшимча операциялар бўлими ва операциялар зали ишга туширилди.

Куни кеча ана шу Марказнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Фируз Назиров, USAID агентлигининг Ўзбекистондаги вакили Жеймс Боннер, "Western Union Financial Services GmbH"нинг Украина, Грузия, Арманистон ва Ўрта Осиё мамлакатлари бўйича Минтақавий директори Питер Гнатюк, "Carelift International" хайрия ташкилотининг ҳаммуассиси ва Бош директори Жеффри Глосс ҳамда ОАВ вакиллари, бошқа меҳмонлар иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар йилига 400 нафаргача беморни операция қилиш имкониятини берадиган янги Марказда иш бошлаётган фидойи шифокорларга муваффақият тиладилар.

Б. ҒОФУР.

Истеъдодли мусаввир

Асакалик ёш мўйқалам устаси Неъматулла Маъруповнинг номини бугун нафақат андижонлик, балки хорижлик рассомлар ҳам яхши билишади. Айниқса, устоз-санъаткорларнинг Неъматулладан умидлари катта.

Эндигина ўн тўрт баҳорни қаршилаган Неъматулла Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган "Мафтункор ранглар дунёси" мавзуидаги халқаро танловда ғолиб чиқди. Айни пайтда ёш мусаввир изланишда.

Ўз мухбиримиз.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Пахта линтини қайта ишлайдиган истеъмолчилар ва корхоналар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛ-ХОМАШЁ БИРЖАСИ

2004 йил 14 октябрь куни соат 15.00 да республика истеъмолчиларига миллий валютага пахта линти ким ошди савдоларини ўтказади.

Қатнашчиларни рўйхатга олиш савдо ўтказиладиган куни соат 10.00да Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 53-а уйда (Давлат Мулки қўмитаси биносининг чап қанотида) ўтказилади.

Пахтасаноат уюшмаси ҳудудий корхоналари томонидан қўйилган пахта линти миқдори; сорти, типи ва бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси мол-хомашё биржаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 139-83-88, факс: 139-22-27.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

MS Consult — ISO 9001 – КАТТА БОЗОРГА ЭЛТАДИ — RWTUV

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатдошлигини ошириш ҳамда республика экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлда "Корхоналарни халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 349-сонли қарори қабул қилинди.

Савол туғилади. Хўш, юқорида қайд этилган қарор қабул қилишдан қандай мақсад кўзда тутилган?

Маълумки, корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларини экспорт қилишда талай муаммоларга дуч келишмоқда. Шу билан бирга уларнинг халқаро тендерларда қатнашиш имкониятлари чегараланганди. Устига-устак, ишлаб чиқарувчилар объектив ва субъектив сабабларга кўра, ўз маҳсулотлари нархини ноилождан пасайтиришга ёки уларни турли воситачилар орқали сотишга мажбур эди. Айтиш жоизки, юқорида қайд этилган ва бошқа сабаблар туфайли хорижий инвесторларни турли субъектларга жалб этиш жараёнлари қийин кечмоқда. Бу ҳолатни бартараф этишнинг энг самарали йўли эса ISO 9001 стандарти бўйича Сифатни бошқариш тизимларини жорий этишдир.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати жиҳатидан ҳеч бир хорижникидан қолишмаса-да, уни ўзимизда ва жаҳон бозорида сотишнинг самарали йўлларини билмаслик оқибатида уларнинг харидоргирлиги ошмаяпти. Мисол учун, Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилиши учун барча асбоб-ускуналар хориждан харид қилинди. Чунки инвесторлар таъминотчилардан ISO 9001 сертификатини талаб қилишди. Ҳолбуки, кимёвий ускуналар ишлаб чиқарувчи "Ўзбеккимёмаш"да ҳам айнан хорижликлар талаб қилган жиҳозлар ишлаб чиқариларди. Тўғри, корхона шундай сертификатни қўлга киритди, бироқ, унгача анча маблағ бошқа бировнинг чўнтагига тушиб бўлганди.

Бугунги кунда айрим корхоналарнинг раҳбарлари олдида ISO 9001 сертификатини олиш учун " Нима қилиш керак?» деган савол турибди.

Бу каби муаммони бартараф этиш мақсадида мамлакатимиздаги "МС КОНСАЛТ" компанияси RWTUN (NUV CERT) халқаро сертификатлаштириш идораси ва TUV Academy халқаро тренинг компанияси билан ҳамкорликда корхоналар раҳбарлари ва етакчи мутахассислари учун "ISO 9001 бўйича сифат бошқаруви тизими менежери" бўйича беш кунлик тренинг-курсини ташкил этмоқда. Ўқув курслар давомида ISO 9001 стандарти бўйича сифат бошқарув тизимини жорий қилган корхоналар етакчи мутахассисларининг тақдимот чиқишлари ҳам режалаштирилган. Шунингдек, курс тингловчилари учун тажриба алмашишга ҳамда ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишга ҳам кенг имкониятлар яратилади. Таъкидлаш жоизки, ўқув курсларида тақсил олган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий компанияси, "Фарм Гласс" "Узтексако" "Сағбонтекс" қўшма корхоналари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон почтаси" давлат акциядорлик компанияси, Янгийўл ёғ-мой комбинати, "НМЗ" ИЧБ, "Қувасойцемент" ва "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятлари мутахассислари томонидан таълим тизимига юқори баҳо берилди.

ISO 9001:2000 бўйича халқаро сертификатга эга Ўзбекистонда ягона консалтинг компанияси
MS Consult
Тренинг-курсларга таклиф этади
ISO 9001
TUV Academy
Тасдиқланган дастур бўйича
ISO 9001 - 2000 й. версияси бўйича сифат бошқаруви тизими менежери
Тренинг-курсларда
• Стандартнинг хар бир талаби ва уларнинг қўлланиши ўрганилади
• сифат бошқариш тизими (СБТ) учун зарур барча турдаги хужжатлар аниқланади
• Амалий машғулотлар ўтказилади
• СБТ ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш усуллари ёритилади
• СБТни ишлаб чиқиш ва жорий этиш босқичлари аниқланилади
• Сифатнинг ички текширувини ўтказиш тартиби ва зарурлиги номувофиқликлар сабабларини аниқлаш ва таҳлил қилиш ёритилади
Курс 11 октябрда бўлиб ўтади. Курслар RWTUV халқаро сертификацион ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилади
RWTUV
Тел/факс: (998 71) 136-55-34, 152-76-71 (998 97) 111-07-49
e-mail: info@ms-consult.uz, ms-consult@mail.ru
www.ms-consult.uz

Организация реализует со склада в Ташкенте:
КАБЕЛЬ
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП и т.д.)
ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ
(ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)
Товар сертифицирован
СВЕТИЛЬНИКИ
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)
ЛАМПЫ
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)
ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ
700015, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29-д.
Дом быта "Узбекистан", 5-й этаж.
Т/ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! Товар сертификатланган
РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

«ГАЗ-31105»

«ГАЗ-3102»

«ВАЗ-2106»

«ГАЗЕЛЬ»
Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор Мубинжон Баратовга рафиқаси

МАРЬЯМ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби, Ўзбекистон халқ артисти, Тошкент шаҳар ИИББ ходимларининг Маърифат ва маданият маркази бошлиғи, подполковник

Нуриддин ҲАЙДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Давлат солиқ қўмитаси жамоаси қўмитанинг «Газалкент» дам олиш маскани директори

Тоҳир БАРАКАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

М. Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси барча жамоалар номидан Ўзбекистон халқ артисти

Нуриддин ҲАЙДАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —1167. 21502 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Х. Раупов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 23456